

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил октябрь ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди, Гурлан туманидаги 9-сон Болалар мусиқа ва санъат мактаби биносида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ж.Ахмедов, судья ёрдамчиси М.Мадаминованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Гурлан туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Рахимова, судланувчи Р.Юсупов ва унинг ҳимоячиси, адвокат А.Сабиров иштирокида, Юсупов Расул Мамматсалаевичга нисбатан юритилган 1-2206-2501/136-сонли сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра,

Юсупов Расул Мамматсалаевич (Yusupov Rasul Mammatsalayeovich) 1974 йил 26 октябрь куни Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, ишсиз, оилали 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Хонқа тумани, “Ёш куч” маҳалласи, “Устозлар” кўчаси, 19-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-авторда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 15 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Юсупов Расул Мамматсалаевичнинг Хонқа тумани, “Ёш куч” маҳалласи, “Устозлар” кўчаси, 19-уйда жойлашган хонадони боғ қисми 2025 йил 02 август куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбири давомида кўздан кечирилганида, уйининг боғ қисмидаги ер майдонида 2025 йил июль ойида каннабис уруғини экиб, ундан униб чиққан биологик пишиб етилмаган, қуритилмаган ҳолдаги экспертиза хулосасига кўра, жами соф оғирлиги 0,03 граммни ташкил қиладиган, тақиқланган 1 туп каннабис ўсимлигини қонунга хилоф равишда етиштириб, парваришлаб келаётганлиги аниқланиб, ашёвий далил ҳужжатлаштириб олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 05 августдаги 882-сонли хулосасида, Р.Юсуповнинг уйдан олинган 1 туп сарғимтир-яшил рангли, янги узилган, ўзига хос ҳидли, қуритилмаган (хўл) ҳолдаги, илдизи билан суғуриб олинган, марказий поясига эга бўлган ўсимлик “каннабис” эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи Р.Юсупов суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам уйда қаптар ва товуқлар боқишини, уларни шоли



тегирмонидан олинган шоли курмаги билан боқишини, 2025 йил ёз ойларида уларни каптарларига бериш учун дала томоркасига сочганлигини, уларни орасидан 1 туп каннабис ўсимлиги ўсиб чиққанлигини, ушбу ўсимликни парваришлаш ва товуклардан химоя қилиш учун атрофини химоя тўсиқлар билан ўраб қўйганлигини, 2025 йил 02 август куни ИИБ ходимлари уйига келишиб, кўздан кечирганларида ушбу 1 туп ўсимлигини аниқлашганлигини, уни ноқонуний эканлигини айтишиб, хужжатлаштиришганини, илгари гиёҳванд воситалар истеъмол қилганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оиласида ногирон фарзанди борлигини, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Каримов Қахрамон Шермаматович 2025 йилнинг 02 август куни Хонқа тумани ИИБ ходимлари битта ишда ҳолис бўлиб иштирок қилишни сўрашганида, ўз ихтиёри билан рози бўлганини, кейин Хонқа туман, "Ёш куч" маҳалласида яшовчи фуқаро Р.Юсуповнинг яшаш хонадонига яна бир ҳолис билан биргаликда ҳамда ИИБ ходимлари иштирокида боришганини, ИИБ ходимлари ўзларини таништириб фуқаро Р.Юсуповга тезкор тадбир ўтказилиб турганлигини маълум қилишиб, хонадонини кўздан кечиришни бошлашганини, кўздан кечириш жараёнида уйнинг боғ томон қисмидан экилган ҳолатда турган 1 туп ноқонуний бўлган ўсимлик борлигини аниқлаб, расмийлаштириб олинганини, фуқаро Р.Юсупов ушбу ўсимликни истеъмоли учун экиб келаётганлигини маълум қилганини, кўздан кечириш якуни бўйича хужжатлар тузилганини, тезкор тадбир давомида ИИБ ходимлари томонидан ҳеч кимга нисбатан ҳеч қандай жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилмаганини билдириб, кўрсатув берди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Рахимов Сарвар Сардор ўғли, Хонқа туман ИИБда тезкор вакил вазифасида ишлаб келаётганлигини, Хонқа туман, "Ёш куч" маҳалласи, Устозлар кўчаси 19-уйда яшовчи фуқаро Юсупов Расул Мамматсалаевичнинг яшаш хонадоида, олинган тезкор маълумотга асосан 2025 йил 02 август куни ҳолислар иштирокида тезкор тадбир ўтказилганини, кўздан кечириш давомида хонадон боғ томон дала экин майдонида тақиқланган каннабис ўсимлиги экиб етиштириб келинаётганлиги аниқланганини, Р.Юсупов уни ўзининг истеъмоли учун етиштириб келаётганлигини айтганини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси ва химоячининг фикрини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, шунингдек, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Р.Юсуповнинг жиноят содир этганликдаги айби ўзини айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, ходиса жойини кўздан кечириш ва ашёни олиш баённомаси, фотосуратлар, суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси, терговга қадар текширув даврида олинган тушунтириш хатлар, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва ишга қўшиш ҳақидаги қарор ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан



қонунга хилоф равишда муомалага қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 12-сонли Қарорининг 19-бандига кўра, етиштирилиши тақиқланган экин экиш деганда, бундай экинлар уруғини тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонига, шу жумладан, бўш ётган ерларга ёки мослаштирилган идишларга уруғини сепиш ёки кўчатини ўтқозиш тушунилиши лозим. Ушбу жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъий назар, экин экилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Тақиқланган экинларни етиштириш деганда, униб чиққан ёки ўтқазилган кўчатларни уларнинг пишиш босқичигача бўлган давр ичида парвариш қилишни тушуниш керак.

Шунингдек, қонун мазмунига кўра, айбдор гиёҳвандлик моддалари бўлган экин ёки психотроп ўсимликларини қонунга хилоф равишда етиштираётганлигини билади ва мазкур ҳаракатни хоҳлайди.

Жиноятни квалификация қилиш учун тақиқланган экинларни етиштиришнинг мотиви ва мақсади аҳамиятга эга эмас. Қонун жиноят таркибига гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган ўсимликларни етиштиришдан мақсад шахсий истеъмол ёки сотиш эканлиги белгисини киритмайди.

Шунга кўра, суд судланувчи Р.Юсуповнинг жиноий қилмишини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, у уйдаги томорқасида етиштириш тақиқланган экин, яъни таркибида гиёҳвандлик модда бўлган 1 туп каннабис ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб етиштирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-бандида Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти



тўғрисида” ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Р.Юсуповнинг айбига иқрорлиги ва қилган ишидан пушаймонлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, қарамоғида ногирон фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи аёллар дафтарида ҳисобда туришини, оиласи эҳтиёжманд оилалар ҳисобида туришини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг ҳаракатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Р.Юсуповга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг юқоридаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги белгиланганлиги инобатга олиб, юқорида қайд этилган унинг жазосини енгиллаштирувчи барча ҳолатлар, хусусан айбига иқрорлиги ва қилган ишидан пушаймонлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, қарамоғида ногирон фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи аёллар дафтарида эҳтиёжманд оила сифатида ҳисобда туришини, оилавий-моддий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, унга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб топди.

Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1 туп каннабис ўсимлигини ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни ва процессуал ҳаракатлар видеотасвири туширилган 1 дона DVD-R дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лоизм топади.

Бинобарин, юқорида баён қилинганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Юсупов Расул Мамматсалаевич (Yusupov Rasul Mammatsalayeovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Р.Юсуповга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо Хонқа туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтаттирилсин.



Жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилиб, корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Хонқа туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Р.Юсуповга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1 туп каннабис ўсимлиги ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Процессуал ҳаракатлар видеотасвири туширилган 1 дона DVD-R диск жинойт иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида, судланувчи ҳукм нусхасини қўлга олган кундан бошлаб шу муддат ичида туман суди орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида шикоят, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ж.Ахмедов

Аслига тўғри:

